

## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.12189281>

**Баратов Рашид Ўсарович**

Тошкент давлат транспорт университети

Фалсафа доктори (PhD), доцент

e-mail: [brashitbek76@mail.ru](mailto:brashitbek76@mail.ru)

**Раматов Жуманиёз Султанович**

Тошкент давлат транспорт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

e-mail: [jumanyoz@gmail.com](mailto:jumanyoz@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарблик касб этар экан, бу борада юзага келаётган ёндашувлар ҳам институционал аҳамият касб этмоқда. Сабаби, ижтимоий-ҳуқуқий давлатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини манзилли қўллаб қувватлаш, бу тоифага кирувчи инсонлар ҳамда оилаларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳаётий заруриятга айланди. Шу маънода, Давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатини самарали амалга оширишда қонунчилик устуворлигини таъминлаш кераклигини назарда тутди. Қонунчилик устуворлигини таъминлаш орқали давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг натижадорлигига эришиш мумкин бўлади. Мазкур тадқиқотда ижтимоий сиёсатнинг тарихий илдизлари ва назарий асослари чуқур таҳлил этилиб, унинг ҳар томонлама ижтимоий фаровонликни таъминлашда анъанавий ҳуқуқий парадигмаларнинг чекланишига жавоб сифатида пайдо бўлиши кўриб чиқилди. Мақолада амалий тадқиқотлар ва қиёсий таҳлил қилиш орқали турли давлатлар ва минтақаларда ижтимоий давлатнинг концептуал асосларини ўзларининг ноёб ижтимоий сиёсий шароитларига мослаштиришининг хилма хил усулларини таъкидлайди. Бундан ташқари, мақола ижтимоий давлат ва мустаҳкам фуқаролик жамиятини шакллантириш ўртасидаги узвий боғлиқликни таъкидлайди. Унда таъкидланишича, ижтимоий жиҳатдан нафақат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилади, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий таъминлаш ҳамда бунга кенг жамоатчиликни шитирокинни тўғри ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мақолада

*ижтимоий ислохотлар аҳолини сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширишда катализатор вазифасини ўташи таъкидланади.*

***Калит сўзлар:** шахс, давлат, ижтимоий давлат, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти, маъмурий бошқарув, ижтимоий ҳимоя, камбағаллик даражаси, жамият.*

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА

### АННОТАЦИЯ

*Поскольку вопрос социальной защиты населения в Узбекистане становится все более актуальным, формирующиеся подходы в этом отношении приобретают и институциональное значение. Причина в том, что в социально-правовом государстве необходимость оказания адресной поддержки населению, нуждающемуся в социальной защите, а также совершенствования механизмов выявления лиц и семей, принадлежащих к этой категории, стала жизненной необходимостью. В этом смысле государство исходит из того, что приоритет законодательства должен быть обеспечен в эффективной реализации политики социальной защиты. Обеспечив приоритет законодательства, можно будет добиться эффективности государственной политики социальной защиты. В данном исследовании были глубоко проанализированы исторические корни и теоретические основы социальной политики, а также рассмотрено ее возникновение как ответ на ограничения традиционных правовых парадигм в обеспечении всестороннего социального обеспечения. Посредством тематических исследований и сравнительного анализа в статье освещаются различные способы, которыми разные страны и регионы адаптировали концептуальные рамки государства всеобщего благосостояния к своим уникальным социально-политическим контекстам. Кроме того, в статье подчеркивается неразрывная связь между государством всеобщего благосостояния и формированием сильного гражданского общества. Подчеркивается, что оно не только защищает права личности с социальной точки зрения, но также важно строго обеспечивать права и свободы граждан и правильно организовывать участие широких слоев населения. В статье подчеркивается, что социальные реформы служат катализатором повышения политической и экономической активности населения.*

***Ключевые слова:** личность, государство, социальное государство, правовое государство, гражданское общество, административное управление, социальная защита, уровень бедности, общество.*

## CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF THE SOCIAL STATE

### ABSTRACT

*As the issue of social protection of the population in Uzbekistan becomes more and more relevant, emerging approaches in this regard are also acquiring institutional significance. The reason is that in a social and legal state, the need to provide targeted support to the population in need of social protection, as well as to improve mechanisms for identifying individuals and families belonging to this category, has become a vital necessity. In this sense, the state proceeds from the fact that the priority of legislation must be ensured in the effective implementation of social protection policies. By ensuring the priority of legislation, it will be possible to achieve the effectiveness of state social protection policy. This study has deeply analyzed the historical roots and theoretical foundations of social policy and also examined its emergence as a response to the limitations of traditional legal paradigms in providing comprehensive social security. Through case studies and comparative analysis, the article highlights how different countries and regions have adapted welfare state conceptual frameworks to their unique socio-political contexts. In addition, the article highlights the inextricable link between the welfare state and the formation of a strong civil society. It is emphasized that it not only protects individual rights from a social point of view, but it is also important to strictly ensure the rights and freedoms of citizens and properly organize the participation of the general public. The article emphasizes that social reforms catalyze increasing the political and economic activity of the population.*

**Keywords:** *personality, state, social state, rule of law, civil society, administrative management, social protection, poverty level, society.*

### КИРИШ

Бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш масаласи Ўзбекистон давлат сиёсатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси ўз давлат бошқарувини тарихий-миллий тажрибага асосланиб, халқаро ҳуқуқий стандартларга мувофиқ амалга оширмоқда. Илғор ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий-ҳуқуқий давлат концепциясини амалиётда қоллаш орқали умумхалқ манфаатларини тўла тўқис ифода этиш ва давлат бошқарувида тизимли бошқарувни самарали йўлга қўйиш мумкин. Умумхалқ манфаатларини тўла тўқис ифода этиш инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни назарда тутса, давлат бошқарувида тизимли самарали бошқарувни йўлга қўйиш халқ манфаатларини ифода этишда халқ қилувчи ўрин тутувчи давлат механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилади. —Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат[1].

Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Фуқаролар муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи ажратиш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни кўзда тутди. Сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси.

Қайд этиш лозим, ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафовутни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун моддий бойликларни адолат тамойилига мувофиқ тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

#### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Ижтимоий давлатнинг концептуал асосларига оид тадқиқотлар янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[1], Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соҳага оид нутқлари[2], А.А. Азизхўжаев[3], Ф.Мусаев[4], Б.У. Таджиханов[5], З. Исламов[6], А. В. Малко[7], А. Ф. Чердансев[8], В. А. Четвернин[9], Р. Баратов[10] ларнинг қатор илмий ишларидан кенг фойдаланган ҳолда очиб берилди.

Ўз навбатида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳуқуқий давлат доктринаси бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган. Мисол учун А.А. Азизхўжаевнинг —Давлатчилик ва маънавият номли мақолалар тўпламида маънавият - Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий давлатнинг асосий пойдеворларидан бири эканлиги ҳар томонлама асослаб берилган; демократия, ҳуқуқий давлатчилик, давлат ҳокимияти тизимлари тушунчалари атрофлича таҳлил қилинган [3, 112-бет]. Академик М.Шарифхўжаевнинг —Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане монографиясида юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий давлатнинг белгилари ва уларнинг аҳамияти, шунингдек, ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий асослари билан боғлиқ жиҳатлар илмий нуқтаи назардан асослаб берилган [4, 81-91-бетлар]. Ф.Мусаевнинг —Демократик давлат қуришнинг фалсафий- ҳуқуқий асослари асарида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзаро боғлиқлиги, уларни бир-биридан ажралмас ҳолда барпо этиш мумкин эмаслиги асослаб берилган, ҳуқуқий давлат доктринасининг

конституциявий асослари, асосий принциплари таҳлил этилган [5, 85-96-бетлар]. Б.У.Тажихановнинг номзодлик диссертациясида ҳуқуқий давлат барпо этишда давлат ҳуқуқий ислохотларининг объектив зарурати, ҳуқуқий давлат принципларига оид масалалар илмий жиҳатдан ўрганилган [6, 28-бет].

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига кўтаришдан иборат, деб ҳисоблаган.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганимизда ҳам “ижтимоий давлат” тушунчаси шунга ўхшаш номларда кўплаб учрашига гувоҳ бўламиз. Масалан, IX-X асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида фозил шахар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Шунга ўхшаш фикрларни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Президентимиз ушбу тушунчани изоҳлар экан, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”, дея таъриф берган эди.

Мазкур илмий мақолада қиёсий таҳлил, тарихийлик, далиллаш, ташқи ва ички кузатув каби методлардан фойдаланилди.

## **НАТИЖАЛАР**

Мустақилликнинг ўттиз учинчи йилига келиб давлатимизда жамият ривожини моҳиятан ва шаклан жиҳатдан янги босқичга кириб бормоқда. Асосий қонунга ўзгартишлар киритиш бўйича олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ҳаракатлар, жумладан, инсон-жамият-давлат концепциясининг ҳуқуқий расмийлаштирилиши ижтимоий давлат янги парадигма сифатида жамиятнинг мутлақо янги сиёсий-ҳуқуқий тизими сифатида ривожланаётганидан далолат бермоқда. Истикболда ўзимизда ва жаҳонда тараққий этган ҳозирги замон давлатчилигининг тажрибаси асосида янги давлат ва жамият шаклланмоқда. Конституцияга ўзгартишлар киритиш жараёнининг дастлабки таҳлили шуни кўрсатадики, бошланган ҳаракатларда кенг жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг фаол иштироки кузатилмоқда, кунига минглаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон кадри” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам. Ижтимоий



давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, мухтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Шунингдек, ижтимоий давлат мухтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Авваламбор шунини айтиш керакки, дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий давлат бу жамиятнинг сиёсий ташкилоти, яъни том маънода давлатдир. Ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, фаолият юритади. Асосий мақсад – жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда ҳар бир фуқаронинг маиший турмуш тарзи ҳолатини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар бўйича фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизим орқали ёрдам кўрсатилади. Бошқача айтадиган бўлсак, мақсад яратилган неъматлардан ижтимоий кафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

## **МУҲОКАМА**

Жаҳондаги “ижтимоий давлат” мавқеига эга мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган, жамиятнинг иқтисодиёт тузилиши ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти шаклланган, давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизими мавжуд, ҳар бир кишига муносиб турмуш шароити таъминланади, ҳар бир шахс ўзини намоён қилиши учун тенг шароит яратилган, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий маъсулияти кучли.

Ижтимоий давлатнинг вазифалари борасида илғор мамлакатлар тажрибаси таҳлилига кўра, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қисми - ишсиз, пенсионер ёки имконияти чекланган шахсларни, оилани, оналик, оталик ва болаликни қўллаб-қуватлаш, соғлиқ ва меҳнатни ҳимоялаш, даромадни қайта тақсимлаш орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни йўқотиш, маданият ва таълим лойиҳалари дастурларини молиявий рағбатлантириш ва ишсизликка қарши курашиш ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Ижтимоий таъминот тизими ижтимоий суғурта шаклида вужудга келган. Бунда нафақа, ишсизлик бўйича нафақа, давлат бюджети ҳисобидан ва ҳомий жамғармалар томонидан ажратиладиган тўловлар тушунилади. Халқ фаровонлигининг асосий кўрсаткичи қашшоқлик даражаси орқали белгиланади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 4 фоиз атрофида.

Жаҳондаги социал-демократик ҳаракатларнинг асосий мазмунини ижтимоий давлатнинг яратувчанлик ва унинг воситасида аҳолини ўзига жалб қилиш орқали давлатни бошқаришга ҳаракат ташкил этади. Ўз навбатида, бу усул кўпгина давлатнинг конституцияларида ҳамда бошқа қонунларида акс этган. Давлат томонидан ижтимоий кафолат иқтисодиёт (авваламбор, йирик бизнес) ва солиқ сиёсатини бошқариш орқали таъминланади.

Шунингдек, бу ғоялар ва сиёсат олдинги социалистик ғоялардан кескин фарқ қилади. Социалистик ғояларга асосланган собиқ иттифоқ тизимида аҳолини мулксиз қилиб қуйиш, фуқароларнинг ижтимоий кафолати фақат қоғозларда қолиб кетиши, ижтимоий масъулият, ижтимоий рақобатнинг йўқлиги хос эди. Натижада аҳолининг ижтимоий фаоллиги пасайиб кетган. Келажакни яратиш, янгиланишга, ўзгаришларга бўлган ҳаракат қўллаб-қувватланмаган, натижада ижтимоий мобиллик ва ижтимоий яратувчанлик йўқолиб кетган. Умуман, бу тажриба жамият учун тескари натижа беришини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Лекин тарихнинг бошқа кесимида ижтимоий давлатчилик тажрибасини илгари сурган Ғарб давлатларида катта ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди.

Мутахассислар томонидан хорижий давлатларнинг ижтимоий сиёсатининг таҳлили натижасида ижтимоий давлатнинг учта модели Скандивания , Континентал , Америка-Буюк британия моделлари ажратилади.

Биринчидан, Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия давлатлари Скандинавия моделини ўзида намоён қилади. Бу мамлакатларда давлат бюджетни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий харажатларнинг анчагина қисмини ўз бўйнига олади. Бу давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади. Бу фаолият давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан молиялаштирилади. Бу ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосан муниципалитетлар, яъни маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, Германия, Австрия, Бельгия ва Францияда ижтимоий давлатнинг континентал модели юқори даражада ривожланган. Бу давлатларда

давлат асосан аҳолининг муҳтож қисмига ижтимоий ёрдам пулларини беришга масъул ҳисобланади. Лекин аҳолига давлат ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмайди. Ижтимоий харажатлар давлат ва хусусий ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан қопланади. Яъни ижтимоий таъминот бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳамда иш берувчи ва ходимларнинг суғурта бадалларидан таъминланади.

Шундай қилиб, биринчидан, Скандивания, Континентал, Америка-Британия моделлари бўйича ижтимоий давлатларда, либерал давлатларда давлат томонидан ижтимоий харажатларга минимал маблағлар ажратилади, бир вақтнинг ўзида ижтимоий ёрдамга муҳтожлар ҳар томонлама ўрганилади. Бажарилган иш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида олинadиган ҳар томонлама кафолатланган даромад фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Иккинчидан, ижтимоий давлатнинг социал-демократик тури Скандинавия турига мос келади. Бу ерда моддий неъматларни аҳоли орасида қайта тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжга зарур харажатларда давлатнинг устунлиги мавжуд.

Учинчидан, ушбу жараён давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кучли жамоатчилик назорати асосида кузатилади. Шунингдек, жараённинг бориши, самарадорликни аниқлаш, вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур қарорлар қабул қилиш учун тизимли мониторинг ва таҳлил қилиб боришнинг мустақил тизими йўлга қўйилган.

Тўртинчидан, ижтимоий давлатчилик Осиё давлатларида – Япония, Жанубий Корея, Тайванда ҳам ривожланиб бормоқда. Ижтимоий давлатчилик Ўзбекистонда ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзига хос ютуқлар бор. Эндиликда бу тизимни Конституция даражасида мустаҳкамлаш кун тартибида турибди.

## **ХУЛОСА**

Глобаллашув жараёни ва бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган даврда олимлар ижтимоий давлатнинг ўзига хос белгилари мавжуд эканини таъкидлайди. Унга кўра:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти;
- кўп тармоқли ва аралаш иқтисодиёт;
- давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш;
- фуқаролар олдидаги ижтимоий жавобгарлик;
- аҳолининг барча гуруҳлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланган тизими;



— ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги;

Ҳозирги замон тажрибасига кўра, Европа мамлакатларида ижтимоий давлат ғояси турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, Германияда унинг ижтимоий давлат экани Конституция даражасида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг Скандинавия ва континентал моделлари ҳам мавжуд бўлиб, бунда давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади.

Ижтимоий давлат тор маънода ўз фаолиятида аҳолига нафақалар тўлашни, жамиятга хизмат кўрсатишни амалга оширади ва уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Кенг маънода нафақат аҳолини бевосита қўллаб-қувватлашга қаратилган сезиларли даражада кўп сонли дастурларни, балки иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни, шу жумладан, бандлик ва у билан боғлиқ масалаларни ҳамда комплекс макроиқтисодий бошқарувни амалга оширади.

Ижтимоий давлатнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, олимларнинг аксарияти уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш;
- коррупция, қашшоқлик ва ишсизликка қарши кураш;
- ёш тадбиркорларга ёрдам;
- аҳоли бандлиги ва даромадлари доимий ўсишини таъминлаш;
- жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш;
- эҳтиёжманд шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни камайтириш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитларини яратиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

Умуман олганда, ижтимоий давлатда меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланади. Унинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли миқдордаги иш ҳақи белгиланади, ишчи учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилади, ишсизликдан ҳимояланиш, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари реал амалга оширилади. Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямининг 29 йиллигида сўзлаган нутқи. 07.12.2021.
3. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. - Тошкент: Шарқ, 1997. - 112 б.
4. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. - Ташкент: Издателский дом —Мир экономики и права, 2002. - С.81-91.
4. Мусаев Ф. Демократик давлат куришининг фалсафий-хукукий асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - Б.85-96.
5. Таджиханов Б.У. Республика Узбекистан - демократическое правовое государство. Вопрос теории: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. - 28 с.
6. Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: 2001. -С. 119 с.
7. Малко А. В. Правовое государство // Правоведение, 1997. 40-С.
8. Чердансев А. Ф. Теория государства и права. М.: Юрайт-М, 2002. 148 -С.
9. Четвернин В. А. Правовое государство и гражданское общество: пути формирования современной России. М., 2003. 6 С.
10. Ramatov J.S., Nazarov Q.N., Matkarimova J.D., Baratov R.O', Nazarova N.J. Training of mature personnel in the railway sector (experience, problem, solution). Monograph. -Т.: 2018. 20 p.
11. Мировая политика: Тхеорй, метходологй, прастисал анализис / Под эд. А. А. Кокошина анд А. Д. Богатурова. - М.: КомКнига / УРСС, 2005. - 432п. – ИСБН 5-484-00087-4.
12. Lee Sin. Overview and analysis of economic interests in China and Russia in Central Asia // Issledovanie Rossii, Vostochnoy Evropy i Tsentralnoy Asia. - Shanghai - 2012. – #5. - S. 48.
13. Gafurov S.M. Security strategy: Central Asia republics and the Arab Gulf States practice \_ Т., 2007. – В. 110
14. Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., Achilova, G. "One Belt - One Road" Initiative - as a Modern Transport Logistics 2022AIP Conference Proceedings 2432,030058 <https://doi.org/10.1063/5.0089703>
15. Ramatov , J., Baratov , R., Jurabayev , N., Umarova , R., Mamajanova , G. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects 2022AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>
16. Ramatov J.S., Baratov R.O'. A note for railway employees. Treatise. -Т.: 2018.

17. Внешняя политика и международные связи Европейского Союза: осмысливая роль ЕС в мире / Л. О. Игумнова, О. Г. Лекаренко, Ю. Г. Агафонов и др.; отв. эд. Л. О. Игумнова. Коллективные монографии. - Иркутск. Оттиск, 2018. – 340 п.
18. Baratov, R. (2021). Prospects of Higher Education System (on the example of Uzbekistan). *International Journal on Orange Technologies*, 3 (3), 128-131.
19. Baratov, R., & Uzbekova, S. (2022). INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING. *World scientific research journal*, 4 (2), 7-11.
20. Baratov, Rashid, and Sadokat Uzbekova. "INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING." *World scientific research journal* 4.2 (2022): 7-11.